

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АБУЛҲАСАН НУРИЙМАН АБДУРАХИМ

**ЖАМИЯТ СИЁСИЙ БАРҚАРОРЛИГИГА ДИНИЙ МАЗМУНДАГИ
ВИРТУАЛ ТАҲДИДЛАРНИНГ ТАЪСИРИ**

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

**СИЁСИЙ ФАҲЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Абулхасан Нурийман Абдурахим

Жамият сиёсий барқарорлигига диний мазмундаги виртуал таҳдидларнинг таъсири 3

Абулхасан Нурийман Абдурахим

Влияние виртуальных угроз религиозного характера на политическую стабильность общества 25

Abulkhasan Nuriyman Abdurakhim

The influence of virtual threats of a religious nature on the political stability of society 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 52

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АБУЛҲАСАН НУРИЙМАН АБДУРАХИМ

**ЖАМИЯТ СИЁСИЙ БАРҚАРОРЛИГИГА ДИНИЙ МАЗМУНДАГИ
ВИРТУАЛ ТАҲДИДЛАРНИНГ ТАЪСИРИ**

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

**СИЁСИЙ ФАҲЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Ss136 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Ўзбекистон Миллий университети веб-саҳифасида (www.nuu.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.Ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Муҳаммадсидиқов Муҳаммадолим
Муҳамматрозиқ ўғли
сиёсий фанлар доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Равшанов Фазлиддин Равшанович
сиёсий фанлар доктори, профессор

Ахмедов Хусниддин Алиқулович
сиёсий фанлар доктори (DSc)

Етакчи ташкилот:

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент
ахборот технологиялари университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ кунини соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4 уй, Ўзбекистон Миллий университетининг Ижтимоий фанлар факультети, 5-қават, 511-хона.. Тел.: (99871) 246-52-74; факс: (99871) 246-02-24), e-mail: nauka@nuu.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24, факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-04 Ўзбекистон Миллий университети Маъмурий биноси, 2- қават, анжуманлар зали.

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ кунини тарқатилди.
(2020 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.И. Пахрутдинов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
сиёсий фанлар доктори, профессор

О.Р. Мусаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа фанлари доктори (DSc)

Б.Т. Тўйчиев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда интеграллашув ҳамда глобаллашув жараёни жадал кечаётган бир даврда диний мазмундаги виртуал таҳдидларнинг ҳам ортиб бораётганлиги барча минтақа ва давлатларни ташвишга солаётган долзарб муаммолардан биридир. Айниқса, виртуал оламда ҳали дунёқараши тўлиқ шаклланмаган ёшлар, шунингдек, ўз қатъий фикри ва позициясига эга бўлмаган одамларни ўз домига тортиб кетадиган, динни ниқоб қилиб олган турли экстремистик оқимларнинг даъватлари жаҳондаги кўплаб мамлакатларда ижтимоий-сиёсий барқарорликни издан чиқармоқда. Натижада миллий, этник, диний, ҳудудий, сиёсий ва ҳарбий аҳамият касб этган можароларнинг сони ортиб, давлатлар мустақиллигига таҳдид солмоқда.

Дунёдаги илмий марказлар томонидан диний мазмундаги ахборот хуружларига қарши ёшларда ўз-ўзини ҳимоялашнинг диагностика-профилактик тизимини ишлаб чиқиш орқали инсон онгига салбий таъсир этувчи ахборотларни чегаралаш муаммоларининг илмий-амалий тадқиқига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, жаҳонда ижтимоий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда интеграллашув ҳамда глобаллашув жараёни жадал кечаётган бир даврда диний мазмундаги виртуал таҳдидларнинг сиёсий мазмун-моҳиятини ўрганиш йўналишидаги тадқиқотларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий таҳдидларнинг янги кўринишлари асосан виртуал ахборот кўринишида намоён бўлаётганлигини Ҳаракатлар стратегиясида ҳам "...ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга қарши ўз вақтида ва муносиб қаршилиқ кўрсатиш"¹ муҳим вазифа этиб белгиланди. Халқаро террористик ва экстремистик ташкилотларни виртуал олам орқали ўз таъсирларини ўтказишга ҳаракат қилаётганлиги ҳам жиддий муаммолардан бири ҳисобланади. Айниқса, виртуал оламда ҳали дунёқараши тўлиқ шаклланмаган ёшлар, шунингдек, ўз қатъий фикри, позициясига эга бўлмаган кишиларни ўз домига тортиб кетадиган вайронкор ва бузғунчи ғояларни ўзига асос қилиб олган оқимлар даъватларининг Интернет тармоғида кўпайиб бораётганлиги ҳам бу муаммони ўрганиш зарур эканлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги, 2017 йил 8 сентябрдаги «Болалар ва уларнинг соғлигига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264-сон «Ўзбекистон Республикаси Инновацион

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. /Расмий нашр/ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: Адолат, 2017. – Б.27.

ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2018 йил 16
апрелдаги ПФ-5416-сон «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан
такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 22
февралдаги ПФ-5667-сон «Социологик тадқиқотлар ўтказишни давлат
томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари,
2019 йил 8 апрелдаги Ф-5465-сон «Ўзбекистон тараққиётининг янги
босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга
доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармойиши ва мавзуга оид бошқа
меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга
мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари
ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация
тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг
I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий
ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор
йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев асарларидаги² маънавий қашшоқлик, диний
ақидапарастлик, терроризм ва бошқаларни бартараф этиш борасидаги фикр-
мулоҳазалари мазкур тадқиқотга илмий-методологик асос бўлиб хизмат
қилди³.

Замонавий жамиятда намоён бўлаётган диний мазмундаги виртуал
тахдидларнинг сиёсий мазмун-моҳияти, стратегик мақсад ва вазифаларнинг
айрим жиҳатлари Ғарб олимлари К.Дойч, Д.Истон, Г.Алмонд, Ж.Коулман,
Л.Пай, У.Шрамм, Т.Адорно, Г.Маркузе, Ю.Хабермас, М.Хоркхаймер,
Г.Шиллер, М.Кастельс, М.Маклюэн, Е.Масуда, Э.Тоффлер, А.Урсул,
Н.Моисеев⁴ томонидан олиб борилган. Шу боис, виртуал тахдидларнинг

² Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б. 56.; Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 48.; Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 104.; Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураамиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 488.

³ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б. 56.; Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 48.; Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 104.; Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураамиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 488.; Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлигимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.- Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 591.

⁴ Deulsch K. The Nervous Systems of Government: Models of Political Communication and control.- London: Free Press of Glencoe, 1963.; Easlon D. A Framework for Political Analysis. Chicago: The University of Chicago Press, 1979. Princeton University Press, 1960.; Almond G.A., Coleman J.S.. Politics of the Developing Areas. Princeton: Princeton University Press, 1960.; Pye L. Political Communication // The Blackwell Encyclopaedia of Political Institutions. Oxford - New York, 1987.; " Schramm V. Mass Media and National Development: The Role of Information in the Developing Countries. Stanford: Stanford University Press, 1964.; Adomo T., Horkheimer M. Dialectic of Enlightenment. N.Y.: Continuum, 1988; Маркузе Г. Одномерный человек: Исследование идеологии развитого индустриального общества. М.: REFL book, 1994. Habermas J. The Structure Transformation of the Public Sphere. Cambridge: Polity Press, 1989.; Adomo T., Horkheimer M. Dialectic of Enlightenment. N.Y.: Continuum, 1988.; Шиллер Г. Манипуляторы сознанием : Пер. с англ. Предисл. Я.Засурского. - М. : Мысль,

жамият тараққийети таъсири нисбатан янги мавзу ҳисобланади. Таниқли Ғарб олимларидан Э.Гидденс, Э.Тоффлер, С.Хантингтон, Ф.Фукуяма, З.Бжезинский, Д.Холмс, П.Химанен ва М.Кастелс каби мутахассислар ўз изланишларида ахборотлашган жамиятнинг вужудга келиши, бундай жамиятларнинг ривожланишидаги ғоявий-мафкуравий таҳдидлар кўлами виртуал технология ривожига билан боғлиқ ҳолда кенг ёритиб берилган⁵.

Виртуал таҳдидларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётга таъсирига доир дастлабки парадигмал қарашлар Канадада Майкл Вэнстейн, Артур Крокер, Германияда Ахим Бюль, Михаэль Паэтау, Россияда Д.В.Иванов⁶лар томонидан тадқиқ қилинган. Ҳозирги даврда диний мазмундаги виртуал таҳдидларнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш борасида Г.Л.Акопов, М.С.Вершинин, Ю.В.Ирхин, Е.Ю.Кононова, М.М.Лукина, Т.В.Меркулова, Ю.А.Нисневич, М.Ю.Павлютенкова, А.А.Горелов, Т.А.Горелова, И.М.Ильинский, А.В.Костина, В.А.Луков, В.А.Лукова, В.М.Межуев, А.Я.Флиер, Г.П.Хориной ва бошқа шу каби олимлар томонидан кенг миқёсли тадқиқотлар олиб борилмоқда⁷. Мазкур тадқиқот ишларида бугунги кунда дунё мамлакатлари

1980.; Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество: Опыт социального прогнозирования. М.: Academia, 1999.; "Manue/Coife/The rise of the network society. London, 2010; / М. Информационная эпоха: экономика, общество и культура / Пер. с англ. под науч. ред. Шкаратана О.И. — М.: ГУ ВШЭ, 2000; Маклюэн М. Понимание медиа: внешние расширения человека. М.:КАНОН-Пресс-Ц. 2003 Masuda Y. The Information Society as Post-Industrial Society. Wash., 1981; Тоффлер Э. Третья волна. М., 2002; Урсул А. Информатизация общества. Введение в социальную информатику. М., 1990; Моисеев Н.Н. Расставание с простотой. М., 1998.

⁵ Гидденс Э. Устроение общества. Очерк теории структуризации. М. Академический проект 2018. - 528.; Тоффлер Э. Третья волна. М. АСТ 2010. – С. 795.; Тоффлер Э. Революционное богатство. Серия: "Philosophy". М. АСТ. 2008. – Б. 570.; Тоффлер Э. Война и антивоенная. Что такое война и как с ней бороться. Как выжить на рассвете XXI века. Серия PHILOSOPHY. М. АСТ. 2005. – С. 416.; Тоффлер Элвин. Метаморфозы власти. Знание, богатство и сила на пороге XXI века. Philosophy` Москва Аст 2004. – С. 669.; Хантингтон С. Столкновение цивилизаций. Геополитика Москва АСТ. 2017. – С. 576.; Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество. Опыт социального прогнозирования / Пер. с англ. под ред. В.Л.Иноземцева. Изд. 2-е, исправл. и доп. М. Academia 2004. – С. 790.; Фукуяма Фрэнсис. Угасание государственного порядка. Серия: Политика. М. АСТ. 2017. – С. 704.; Фукуяма Фрэнсис. Сильное государство. Управление и мировой порядок в XXI веке М. – Владимир АСТ – ВКТ 2010. – С. 222.; Фукуяма Фрэнсис. Конец истории и последний человек. Пер. с англ. Левина М.Б. М. АСТ. 2010. – С. 588.; Бжезинский З. Великая шахматная доска. Серия: Эксклюзивная классика М. Из-во АСТ 2018. – С. 384.; Холмс Д. Gov. Стратегия электронного бизнеса для государства Пер. с англ. Коротков А.В. М. Астрель. АСТ. 2004. – С. 350.; Пекка Химанен, Мануэль Кастелс. Информационное общество и государство благосостояния. Финская модель. The Information Society and Welfare State: The Finnish Model. М., Логос, 2002. – С. 224.

⁶ См.: Bühl A. Die virtuelle Gesellschaft. Ökonom ie, Politik und Kultur im Zeichen des Cyberspace. Opladen, 1997. Becker V., Paetau M. Viralisierung des Sozialen. Die Informations gesellschaft zwischen Fragmentierung und Globalisierung. Frankfurt a. M. 1997. Kroker A., Weinstein M. Data trash. The Theory of the virtual class. Montreal, 1994. Иванов Д.В. Виртуализация общества // Социология и социальная антропология. СПб., 1997.

⁷ Акопов Г.Л. Глобальные проблемы и опасности сетевой политики: Монография. Ростов-на-Дону: ООО «Росиздат», 2004. – С. 126.; Вершинин М.С. Политическая коммуникация в информационном обществе. СПб.: Изд-во Михайлова В.А., 2001. – С. 253.; Ирхин Ю.В. «Электронное правительство» и общество: мировые реалии и Россия (сравнительный анализ) // Соц. иссл., №1. 2006. – С. 73-82.; Меркулова Т.В., Кононова Е.Ю. Развитие электронного правительства в Украине на фоне мировых тенденций. JOURNAL OF INSTITUTIONAL STUDIES (Журнал институциональных исследований). Т.2, №4. 2010. – С. 47-58.; Лукина М.М. Интернет-СМИ: Теория и практика. М.: Аспект Пресс, 2010. – С. 350.; Нисневич Ю.А. Информация и власть. М.: Мысль, 2000. – С. 175.; Туронок С.Г. Интернет в политике: Политические аспекты новых информационно-коммуникативных технологий. М.: Международный университет в Москве, 2003. – С. 140.; Павлютенкова М.Ю. Новые информационные технологии в современном политическом процессе // Власть. №8. 2000. – С. 38-43.; Горелов А.А., Горелова Т.А. Глобализация и духовные причины глобального кризиса // Трансформации культуры в глобальном информационном обществе / отв. ред. А.В. Костина; ред. колл.: А.И. Шендрик и др.: сб. науч. статей. М.: Изд-во Моск. гуманит. ун-та, 2009. – С. 279-289.; Ильинский И.М. Образование, Молодёжь, Человек: (статьи,

янги жўғрофий-сиёсий вазиятларда, глобаллашув, халқаро терроризм ва экстремизм, наркобизнес, кескин виртуал оламдаги ахборот хуружларининг авж олаётганлиги сиёсий фанлар доирасида чуқур ўрганилганлиги эътиборга молик.

Ўзбекистонда истиқлол йилларида жамият сиёсий барқарорлигига диний мазмундаги виртуал таҳдидларнинг таъсирига доир умумилмий қарашлар акс этган монография, рисола ва мақолалар, диссертациялар А.С.Очилдиев, З.Исломов, К.Комилов, У.Р.Кушаев, Н.Юсупова, Ю.М.Якубов, А.А.Ҳасанов, З.И.Мунавваров, Ш.Миноваров, Ш.Сирожиддинов, Ҳ.С.Кароматов, М.А.Ражабова, И.Каримов, М.Имомназаров, З.М.Ҳуснидинов, Ш.А.Ёвқочев, Ғ.С.Кароматов томонидан тайёрланган⁸. Мазкур илмий изланишлар орқали хориждан турли бузғунчи ғояларнинг мамлакатимизга ҳам кириб келаётганлиги, хусусан, “хорижий маданият” орқали турмуш тарзимиз ва миллий ақидаларимизга зид бўлган маънавий меъёрларнинг ёшлар тарбиясига кўрсатаётган салбий таъсири, динлараро ва маданиятлараро интеграция ниқобида “террор” шаклидаги бузғунчи ғоявий таъсирлар кучайиб бораётганлиги, диний ақидапарастлик, терроризм, экстремизм таҳдид солаётган бир пайтда иштирокчиларнинг асосий қисми ҳали дунёқараши ва ҳаётий тасаввурлари тўлиқ шаклланмаган ёшлар эканлиги илмий-амалий нуқтаи назардан таҳлил қилинганлиги ҳам диққатга сазовор.

Виртуал технологиялардан давлат бошқаруви ва давлат хизматлари фаолиятини янада такомиллаштириш, жамият сиёсий барқарорлигини

интервью, выступления): Кн. 2. М.: Изд-во МГУ, 2009. – С. 530.; Костина А.В. Массовая культура как феномен постиндустриального общества. Изд. 4-е. М.: ЛКИ, 2008. – С. 350.; Луков В.А. Будущие политики: Социализация студентов, ориентированных на профессиональную политическую деятельность. М.: НИИ, 2005. 128 с; Луков В.А., Луков М.В., Телевидение: формирование «культуры происходящего» // Культурные трансформации в информационном обществе / отв. ред. Шендрик А.И.; ред. колл.: Костина А.В. и др.: сб. науч. статей. М.: Изд-во Моск. гуманит. ун-та, 2006. – С. 194-220.; Межуев В.М. Культура и государство в перспективе демократического развития России // Культура глобального информационного общества: противоречия развития / отв. ред. А.В. Костина; ред. колл.: Шендрик А.И. и др.: сб. науч. статей. М.: Изд-во Моск. гуманит. ун-та, 2010. – С. 35-53.; Флиер А.Я. Страсти по глобализации // Трансформации культуры в глобальном информационном обществе / отв. ред. А.В. Костина; ред. колл.: Шендрик А.И. и др.: сб. науч. статей. М.: Изд-во Моск. гуманит. ун-та, 2009. – С. 62-73.; Хорина Г.П. Идеология и наука в информационном обществе // Культура информационного общества и проблемы модернизации России / отв. ред. А.В. Костина; ред. колл.: А.И.Шендрик и др.: сб. науч. статей. М.: Изд-во Моск. гуманит. ун-та, 2011. – С. 121-131.

⁸ Бағрикенглик – барқарорлик ва тараккиёт омили / Масъул муҳаррир Очилдиев А. – Т.: Тошкент ислом университети, 2007. – 124 б.; Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари / Масъул муҳаррир Очилдиев А. – Т.: Тошкент ислом университети, 2008. – Б. 246.; Буюк алломаларимиз / Масъул муҳаррир: Исломов З. – Тошкент: «Тошкент ислом университети нашриёт матбаа бирлашмаси», 2002. – Б. 28.; Комилов К. Глобаллашув ва диний жараёнлар. – Тошкент: «Мовароуннахр», 2014. – Б. 128.; Кушаев У.Р. Ислом дини таълимотида бағрикенглик тамойиллари // «Имом Бухорий сабоқлари» журнали. № 1. 2017. – Б. 30-32.; Юсупова Н. Ислом ҳуқуқига кўра оилавий муносабатларда мулкий масалалар. – Тошкент: «Movagounnahrg», 2011. – Б. 66.; Ҳасанов А., Мунавваров З., Миноваров Ш., Сирожиддинов Ш. Ўзбекистон: динлараро ҳамжиҳатлик – тинчлик гарови. – Т.: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, 2005. – Б. 48.; Ислом ва дунёвий-маърифий давлат / Мунавваров З.И. ва Шнайдер Д.В.нинг умумий таҳрири остида. – Т.: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2003. – Б. 292.; Кароматов Ҳ. Ўзбекистонда мозий эътиқодлар тарихи. – Т.: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, 2008. – Б. 664.; Ражабова М. Диний экстремизм ва террорчилик. – Т.: Мовароуннахр, 2000. – Б. 163.; Каримов Ибрагим. Философский анализ гнесеологических, психологических и социологических особенностей феномена веры: Автореф. дисс. ... докт. филос. наук. – Т.: 1993. – С. 58.; Имомназаров М. Огоҳ бўлайлик. – Т.: Академия, 1999. – Б. 162. Ҳуснидинов З. Ўзбекистонда диний бағрикенглик. – Т.: Тошкент ислом университети, 2006. – Б. 162.; Ёвқочев Ш.А. Политизация религии и проблема религиозного экстремизма: Автореф. дисс. ... канд. полит. наук. – Т.: 1993. – С. 38.; Кароматов Ғ.С. Ислом фундаментализми ва унинг ижтимоий-сиёсий моҳияти: Фал. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т.: 1999. – Б. 21 .

таъминлашда шу соҳа имкониятларидан самарали фойдаланиш механизмларини яратишга оид ижтимоий-сиёсий тадқиқотлар О.Ф.Файзуллаев, М.Н.Абдуллаева, Р.М.Имомалиева, К.Ж.Туленова, Э.Д.Давронов, Э.М.Иззетова, Н.А.Шермухамедова, Ш.С.Кушаков, М.А.Усмонова, М.Ёқубова, Г.Ғаффарова, Ш.Пахрутдинов, М.Бекмуродов, Н.Жўраев, М.Қуронов, Т.Алимардонов, А.Г.Муминов, Ф.Муминов, Р.Самаров, С.Отамуродов, В.Қўчқоров, Б.А.Бегалов, Т.Жўраев, Р.Джумаев ва бошқа шу каби олимлар томонидан амалга оширилган⁹.

Ҳозирги даврда виртуал тизимдан олинаётган ахборотларга танқидий ёндашиш ва унинг фойдали манбалари асосида ўз дунёқарашини кенгайтириш, ғаразли маълумотларни инкор эта билиш идрокени, мафкуравий иммунитетни ҳосил қилиш ҳам тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Масаланинг эътиборли жиҳати шундаки, жамият барқарорлигини таъминлашда виртуал таҳдидларнинг олдини олиш муаммоси ХХ аср охирида илмий тадқиқотлар объектига айлана бошлади.

Жаҳонда ижтимоий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда интеграллашув ҳамда глобаллашув жараёни жадал кечаётган бир даврда виртуал таҳдидларнинг сиёсий мазмун-моҳиятини ўрганиш йўналишидаги тадқиқотларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Хусусан, ўзбекистонлик олимлардан Т.Жўраев, Ш.Пахрутдинов, Р.Джумаев, И.Эргашев, С.Отамуродов, А.Мўминов, А.Эркаев, Х.Дўстмуҳаммад, Т.Алимардонов, У.Идинов ва бошқалар асарларида турли сиёсий марказлар ҳамда сиёсий субъектлар томонидан тарқатилаётган ғаразли ахборотлар бевосита ва билвосита, бошқа жамиятлар, давлатлар, миллий бирликлар, диний эътиқодига, ёш хусусиятларига кўра жиддий таъсир кўрсатаётганлиги, булардан кўзланган асосий мақсад эса

⁹ Файзуллаев О.Ф. Ал-Хоразмий // Мустақиллик: изоҳли илмий-оммобоп луғат. 2006. – Б. 29-30.; Абдуллаева М.Н., Муминова О.М. Значение информации в развитии общества / Миллий ғоя ва маънавий мерос мавзусидаги конференция. Самарқанд, 2006. – Б. 9-12.; Иззетова Э.М. Информационное общество и гуманизация научного знания// Экологический вестник. №1, 2001. – С. 2-4.; Шермухамедова Н.А. Социально-философские аспекты формирования стиля научного мышления. Дисс. докт. филос. наук. –Т., 2002. –С.170.; Кушаков Ш.С. Природа и основные виды информации (философско-методологические аспекты). Автореф. дисс. канд. филос. наук. –Т., 1978. – С. 24.; Ланцева О. Информационные аспекты развития (философско-методологический анализ) Дисс.... канд. филос. наук. – Т., 1995. – С. 125.; Усмонова М. Социально-философский анализ проблемы информатизации современного общества. Дисс. кан. филос. наук. – Т., 1997. – С. 170.; Ёқубова М. Жамият тараққиётида ахборотлашув ва ахборот технологиялари масалалари. Дисс. фалс. фан. номз., Т., 2006. – Б. 165.; Ғаффарова Г. Ахборотлашган жамиятда террорчилик фаолияти ҳақида / «Глобал терроризм ва унинг геосиёсий ўлчами» мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари. 2-китоб, Навоий, 2005. – Б. 45-47.; Пахрутдинов Ш. Дунёвий демократик давлатчилик қурилиши амалиётида диний экстремизм таҳдиди. Сиёсий фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. –Тошкент: 2001. – Б. 300.; Бекмуродов М. Ўзбекистонда жамоатчилик фикри. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 170.; Жўраев Н. Халқаро терроризм ва минтақавий можаролар. – Тошкент: Маънавият, 2001. – Б. 188.; Қуронов М. Биз англаётган ҳақиқат. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 152.; Муминов А.Г. Миллий сиёсат ва маданий соҳадаги ислохотлар. – Тошкент: Akademiya, 2010. – Б. 200.; Отамуротов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик. –Тошкент: O'zbekiston, 2013. – Б. 456.; Қўчқоров В. Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий ҳаётни демократиялаш жараёнида миллий ўзликни англаш муаммоси (сиёсий тадқиқот) Фалсафа фан. докт. диссертацияси. –Тошкент: 2009. – Б. 325.; Ходиев Б.Ю., Бегалов Б.А. Ахборот тизимлари ва технологиялари. –Т.: Шарқ, 2010. – Б. 703.; Бегалов Б.А. Ахборот-коммуникациялар бозорининг шаклланиш ва ривожланиш тенденцияларини эконометрик моделлаштириш: дис. Автореф.... и.ф.д. – Т.: ТДИУ, 2001. – Б. 36.; Жўраев Т., Ақобиров С. Миллий манфаатлар ва миллий хавфсизлик. – Тошкент.: Академия, 2007.

жамият сиёсий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатиш, ижтимоий, миллий гуруҳларни бир-бирига қайраш, инқилобий ҳаракатларга чақириш, ёлғондакам, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий инқирозларни башорат қилиш, давлатлар ўртасида йирик нифоклар келтириб чиқарувчи сохта мафкуравий хуружлардан иборат эканлиги атрофлича таҳлил этилган¹⁰.

Ўрганилган сиёсий адабиётлар, ижтимоий-сиёсий ахборот манбалари таҳлили шуни кўрсатадики, жамият сиёсий барқарорлигига диний мазмундаги виртуал таҳдидларнинг таъсири муаммоси айнан Ўзбекистон нуқтаи назаридан сиёсий фанлар доирасида яхлит мавзу сифатида тадқиқ этилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Фуқаролик жамияти ривожланишининг сиёсий, маданий, мафкуравий муаммолари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади жамият сиёсий барқарорлигига раҳна солувчи диний мазмундаги виртуал таҳдидларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг минтақадаги ижтимоий-сиёсий вазият ва сиёсий жараёнларга таъсирини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

¹⁰ Жўраев Т., Ақобиров С. Миллий манфаатлар ва миллий хавфсизлик. – Тошкент.: Академия, 2007; Пахрутдинов Ш. Таҳдид – ҳалокатли куч. - Тошкент.: Академия, 2001; Джумаев Р. ва бошқ. “Сиёсий ислохотлар стратегияси” Тошкент.: Академия, 2010.; Эргашев И. Миллий ғоя ва фуқаролик жамияти. - Тошкент.: Академия, 2005; Отамуратов С. Глобаллашув ва миллат. – Тошкент.: Янги аср авлоди, 2008; Комилов Н. Миллий мафкура зарурати // Жамият ва бошқарув. – Тошкент.: 1998. - № 3; Ҳасанов Б. Фуқаролик жамиятининг таянчи. // Тафаккур. 2017. - №4; Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари: иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатлари. – Тошкент.: Маънавият, 2006; Хоназаров Қ. Глобаллашув ва тиллар. // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. 2017. - №3; Очиллов Ж. Техноген цивилизация трансформацияси ва глобаллашуви. // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. 2017. - №2 Эркаев А. Миллий ғоя моҳияти. - Тошкент.: Маънавият, 2000; Алимардонов Т. Шахс тақдири – миллат тақдири. Тафаккур. 2015. - №4; Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. – Тошкент.: Шарқ, 1998; Жўраев С. Фуқаролик жамияти тарихига бир назар. Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт. – Тошкент.: Тошкент Давлат шарқшунослик институти нашриёти, 2003; 2004; Алимардонов Т. Мафкура ва ижтимоий ахлоқ уйғунлиги // Тарих, мустақиллик ва миллий ғоя: Республика илмий-назарий анжумани материаллари. - Тошкент.: Академия, 2000; Дўстмуҳаммедов Х. Мулоқот замиридаги ҳикмат. // Тафаккур. 2017. - №3; Очилдиев А. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси. – Тошкент.: Ижод дунёси, 2002; Умарова Н. Электрон ҳуқумат: муаммо ва ечимлар. // Тафаккур. 2016. - №1, Қодиров Б. Ахборот оқими ва ёшлар маънавияти. // Тафаккур. 2015. - №2, Идилов У., Тошхўжаев С. Халқаро глобаллашувнинг чуқурлашуви. // Жамият ва бошқарув. 2007. - № 2; Кучаров Ч. Глобаллик ва минтақавийлик тамойиллари // Jamiyat va boshqaruv. 2006. - №1; Саидов У. Глобаллашув ва маданиятлараро мулоқот. – Тошкент.: Академия, 2008; Холбеков М. Адабиётда глобаллашув жараёни // Тафаккур, 2006. - №4. Раҳимова Ш. Ахборотлашган жамиятнинг ижтимоий-маданий хусусиятлари. // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. 2017. - №2. Хуршид Дўстмуҳаммад. Оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришнинг демократик андозалари. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2005; Дўстмуҳаммедов Х. Ахборот таҳдиди серқирра муаммо // Ҳуқуқ ва бурч. - Тошкент.: 2006. - № 1; Мирносиров М. Информацион макон – миллий хавфсизликнинг муҳим жабҳаси // Жамият ва бошқарув. 2003. - №3; Дўстмуҳаммедов Х. Мулоқот замиридаги ҳикмат. // Тафаккур. 2017. - №3; Тураев Б., Абдуллаев Ж. Оммавий ахборот воситалари: фуқаролик жамиятининг муҳим таркибий институти сифатида // Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш: муаммолар ва ечимлар: Илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент.: ТДЮИ, 2004; Раҳимова Ш. Ахборотлашган жамиятнинг ижтимоий-маданий хусусиятлари. // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. 2017. - №2 Раҳматуллаева Т. Матбуот ва демократия. – Самарқанд: Зарафшон, 2002; Тўртинчи ҳокимият: Ўзбекистон Республикасининг қонунилари, қарорлари ва бошқа ҳужжатлари тўплами. – Тошкент.: Мехнат, 2003.

“жамият барқарорлиги”, “виртуал таҳдид”, “диний мазмундаги виртуал таҳдид” тушунчаларини таъриф ва тасниф этишдаги турли сиёсий қарашларнинг маъно-мазмунини қиёсий таҳлил қилиш;

жамият барқарорлигига виртуал таҳдидлар таъсирининг объектив сабабларини, субъектив омилларини, ҳаракатлантирувчи мотивлари ва сиёсий-психологик механизмларини аниқлаш;

виртуал таҳдидларга қарши курашда замонавий сиёсий технологияларнинг самарадор таъсир кўрсатиш механизмлари ва потенциал имкониятларини кўрсатиш;

жамият барқарорлигини таъминлаш ва диний мазмундаги виртуал таҳдидлардан ҳимоя қилишнинг сиёсий талабларини шакллантирувчи сиёсий институтларнинг стратегик вазифалари ва йўналишларини функционал интеграциялашиш тенденциясини асослаш;

ҳалқаро терроризм ва экстремизмга қарши курашда виртуал коммуникацион технологияларнинг ўрнини ошириш, уларнинг виртуал таҳдидларни олдини олиш ва бартараф этиш функцияси ва имкониятларига дифференциал ёндашиш тамойилларини аниқлаш;

давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг диний мазмундаги виртуал таҳдидлардан ҳимоя қилишдаги роли ҳамда жамият сиёсий ҳаётини диний мазмундаги виртуал таҳдидлардан ҳимоя қилишнинг замонавий усул ва воситаларини ҳолисона баҳолаш;

жамият маънавий хавфсизлигини таъминлашда виртуал технологиялардан самарали фойдаланишнинг стратегик вазифаларини белгилаш ва истиқболларини прогностлаштиришга жавобгар институтлар фаолиятини ташкиллаштириш, бошқариш ҳамда назорат қилишнинг сиёсий механизмларини такомиллаштиришга доир тавсиялар ва амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий барқарорликка раҳна солувчи диний мазмундаги виртуал таҳдидларнинг жамият ҳаётига таъсири билан боғлиқ жараёнлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети глобал ижтимоий тармоқларда диний мазмундаги виртуал тарғиботлар сиёсийлашуви сабаблари ва уларнинг жамият барқарорлигига салбий таъсири каби сиёсий жараёнлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда мантиқий анализ ва синтез, контент таҳлил, қиёсий таҳлил, моделлаштириш, прогностлаш каби усуллар ҳамда тизимли ёндашувдан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ижтимоий тармоқларда диний мазмундаги ахборот ва даъватларнинг тобора сиёсийлашиб бораётганлиги, ташқи кучларнинг мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга аралаштиришга интилиши жамиятимиз барқарорлигига салбий таъсир қилувчи омиллар эканлиги очиқ берилган;

радикал оқимларнинг ижтимоий тармоқларда сиёсий фаоллашувининг олдини олиш ва диний мазмундаги ёт ғояларга қарши курашишда асосли

радия бериш, изоҳлаш, шарҳлаш каби усуллардан кенг фойдаланиш самарали эканлиги асосланган;

ижтимоий тармоқларда динни нотўғри талқин қилиш ҳолатларининг кўпайиши давлат ва дин ўртасидаги мўътадил муносабатларни издан чиқариши мумкин бўлган омиллардан бири эканлиги назарий жиҳатдан илмий асосланган;

радикал оқим вакиллари томонидан амалга оширилаётган ноқонуний хатти-ҳаракатларни баҳолашда ҳамда расмий манбаларда уларни дин билан боғлаш амалиётчилигига барҳам бериш лозимлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

виртуал таҳдид феноменининг сиёсий мазмун-моҳияти тизимлаштирилиб, бу йўналишдаги таҳдидларнинг олдини олишдаги янги илмий тушунча ва парадигмалар ишлаб чиқилган, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барқарорлигини таъминлашда улардан самарали фойдаланиш механизмлари очиб берилган;

замонавий илмий-назарий ёндашувлар асосида жамият сиёсий ҳаётининг барқарорлигини таъминлашда замонавий ахборот коммуникацион технологияларни янада ривожлантириш ҳамда уларнинг самарадорлигини аниқловчи мониторинг тадбирларини ўтказиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Ушбу натижалардан Ўзбекистон Республикасидаги сиёсий партиялар, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, ОАВ муассасалари ҳамда ахборот тарқатиш учун масъул муассаса ва ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ тарбиявий тадбир ишланмалари яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги халқаро ҳамда республика миқёсидаги илмий-амалий конференциялар материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатига кирган махсус ва хорижий мамлакатлар журналларида чоп этилган мақолалар, хулоса, амалий таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти жамият сиёсий барқарорлигига раҳна солувчи диний мазмундаги виртуал таҳдидларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг минтақадаги ижтимоий-сиёсий вазият ва сиёсий жараёнларга таъсирини очиб бериш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти глобал ижтимоий тармоқларда диний мазмундаги виртуал тарғиботлар сиёсийлашувининг сабаблари ва уларнинг жамият барқарорлигига салбий таъсири каби сиёсий жараёнлар ҳамда уларни бартараф этиш жараёни билан боғлиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва чора-тадбирлар дастурларини тайёрлаш, ёшлар диний дунёқарашини юксалтиришга доир ОАВ материалларини тайёрлашда диний соҳа вакиллари билан сиёсатшунос олимлар ҳамкорлигини йўлга қўйиш ҳамда

тадқиқот мақсади бўйича ишлаб чиқилган тавсияларнинг таълим-тарбия жараёнида самарали қўлланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқотнинг натижалари, ундаги илмий хулоса ва таклифларнинг амалиётга жорий этилаётгани бўйича қуйидаги тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилган:

ижтимоий тармоқларда диний мазмундаги ахборот ва даъватларнинг тобора сиёсийлашиб бораётганлиги, ташқи кучларнинг мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга аралашига интилиши жамиятимиз барқарорлигига салбий таъсир қилувчи омиллар эканлигига оид илмий-амалий таклиф ва тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат марказида “Ўзбекистонда динлараро бағрикенглик” номли ўқув қўлланмани тайёрлашда фойдаланилган. (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил 7 июлдаги 02/07-639 сонли маълумотномаси). Диссертацияда илгари сурилган таклиф ва тавсиялар Марказ томонидан тайёрланган ўқув қўлланманинг Интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқларга қўйилиши ноҳолис ахборотларга қарши аҳоли, айниқса, ёшларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга қаратилган профилактика ва тарғибот-ташвиқот ишлар натижадорлигига ижобий таъсир кўрсатган;

радикал оқимларнинг ижтимоий тармоқларда сиёсий фаоллашувининг олдини олиш ҳамда диний мазмундаги ёт ғояларга қарши курашишда асосли раддия бериш, изоҳлаш, шарҳлаш каби усуллардан кенг фойдаланиш самарали эканлигига доир хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказида “Исломда ижтимоий иллатлар муолажаси” номли ўқув қўлланмани тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг 2020 йил 8 июлдаги 210/20 сонли маълумотномаси). Ушбу ўқув қўлланма Марказнинг виртуал таҳдидларни бартараф этиш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёш авлодни гуманистик ғоялар, миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялашга қаратилган ишлари самарадорлиги ошишига катта ҳисса қўшган;

ижтимоий тармоқларда динни нотўғри талқин қилиш ҳолатларининг кўпайиши давлат ва дин ўртасидаги мўътадил муносабатларни издан чиқариши мумкин бўлган омиллардан бири эканлигига оид таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий Халқаро илмий-тадқиқот марказида “Исломофобияни бартараф этиш омиллари” номли ўқув қўлланмани тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий Халқаро илмий-тадқиқот марказининг 2020 йил 3 июлдаги 02/182 сонли маълумотномаси). Ушбу таклиф ва тавсиялардан Марказ фаолиятида фойдаланиши натижасида унинг ушбу йўналишдаги профилактика ва тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатган;

радикал оқим вакиллари томонидан амалга оширилаётган ноқонуний хатти-ҳаракатларни баҳолашда ҳамда расмий манбаларда уларни дин билан

боғлаш амалиётчилигига бархам бериш лозимлигига доир назарий хулоса ва тавсиялардан “Исломофобияни бартараф этиш омиллари” номли ўқув қўлланмани тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий Халқаро илмий-тадқиқот марказининг 2020 йил 3 июлдаги 02/182 сонли маълумотномаси). Натижада Марказда маърузачилар учун ушбу ўқув қўлланма асосида тайёрланган маъруза матнларида экстремизм, терроризм каби тушунчаларни дин билан боғламаслик амалиётини таъминлашга муносиб ҳисса қўшган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 12 та республика илмий-назарий ва илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола (улардан 5 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда) эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, 153 саҳифа матн, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилиши даражаси очиб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, ишнинг илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, апробацияси ва тадқиқот натижаларининг татбиқ қилиниши, эълон қилинган нашрлар ва иш таркиби тўғрисида маълумот берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Жамият сиёсий барқарорлигига диний мазмундаги виртуал таҳдидларнинг таъсири муаммосини ўрганишнинг назарий-методологик масалалари”** деб номланган. Ушбу бобда виртуал таҳдиднинг сиёсий тадқиқот объекти сифатидаги ўзига хос хусусиятлари, жамият сиёсий барқарорлигига виртуал таҳдидлар таъсирининг намоён бўлиш шакллари ва ҳозирги давр мусулмон Шарқида диннинг виртуаллашуви ва унинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётига таъсири илмий нуқтаи назардан очиб берилган.

Сиёсий фанларда “виртуал таҳдид” тушунчаси таъриф-таснифига катта эътибор берилишининг сабаби кейинги постиндустриал жамиятда ахборот-коммуникацион технологиялари тизимидаги ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-маданий трансформация талабларининг ўзгариши билан характерланади. Дунё олимлари томонидан ҳозирги давргача жамият сиёсий барқарорлигига виртуал таҳдидлар таъсири муаммосининг методологик асосига доир кўплаб назария ва концепциялар яратилган.

Ҳозирги кунда умумжаҳон миқёсидаги жадал ривожланиш ва ўзгаришлар сайёраамизнинг жуда катта майдонида сиёсий кескинликларни

келтириб чиқармоқда. Дунё сиёсий харитасининг тубдан ўзгариши худудий, ижтимоий, экологик, диний ва демократик муаммоларнинг кескинлашуви сиёсатшунослик фани доирасидаги тадқиқотларга бўлган эътиборни кучайтирди. Айниқса, XX асрнинг ҳукмрон ижтимоий омилларидан бири десекулизация омили XXI асрнинг дастлабки йилларидан ҳам ижтимоий омиллардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Бунинг исботи сифатида бугунги кунда бутун дунёда кишилар диний ақидаларини нарироқ суриш ўрнига, диний мансубликни янада кучлироқ ҳис этмоқдалар. Бу ҳолат виртуал оламда ҳам ўзига хос шаклда намоён бўлмоқда.

Виртуал таҳдидларнинг ижтимоий оқибатларини сиёсий фанлар доирасида ўрганиш долзарб ҳисобланади. Чунки бу кўринишдаги таҳдидларнинг кўплаб салбий тенденциялари ва муаммолари ҳанузгача кам ўрганилган. Бу эса виртуал оламда вужудга келаётган ижтимоий-сиёсий трансформация жараёнининг бутун жамиятга, унинг ижтимоий-сиёсий институтларига таъсир кўрсатиши табиийдир. Шу боисдан ҳам айрим тадқиқотчилар виртуал таҳдидлар таъсирига тушиб қолган ёшларни тобелик ҳамда тушкунликлар, ўз жонига қасд қилиш каби зарарли иллатлар ўз домига тортиб олаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқдалар¹¹. Масалан, АҚШда ўтказилган тадқиқотлар ёшларнинг порно-сайтларга кириши уларнинг ижтимоий хатти-ҳаракатларига салбий таъсир кўрсатиши аниқланган. Сабаби шундан иборатки, айнан ижтимоий тармоқдан фойдаланувчи кишилар тармоқдаги бошқа иштирокчилар билан виртуал ҳолатда эркин мулоқотга киришади, ўзини реал мулоқотдагидан кўра анча хотиржам ҳис қилади, шахсий саҳифасини ўзи хуш кўрган расмлар билан тўлдиришга, статусига мақтов гапларини ёзишга ҳаракат қилади. Бир сўз билан айтганда у виртуал дунёда ўзини идеал инсон сифатида тасаввур этади, бу эса унинг реал ҳаётда инсонлар билан мулоқотида кўплаб муаммоларни келтириб чиқаради. Чунки жамиятшунос олимлар тўғри таъкидлаганидек, виртуал реаллик инсон онгининг ўзгаришига қанчалик таъсир этишини аниқ айтиб бериш қийин, чунки виртуалликка қарамлик асосида ётувчи ўта кучли мойилликни юзага келтиради.

Ҳозирги даврда Интернет тармоқларида тарқатилаётган ахборотлар ўзининг позитив аҳамияти билан бир қаторда салбий ҳолатларни ҳам ўзида акс эттирмоқда. Айниқса, WhatsApp, Telegram, Viber каби ижтимоий тармоқларда тарқатилаётган негатив ахборотлар кўламининг тобора ортиб бораётганлиги айни шу йўналишдаги муаммоларни ҳал этиш заруратини пайдо қилмоқда. Интернет орқали ёшлар ўртасида жамиятда бўлаётган ижобий ўзгаришлар ҳақидаги ахборотларни бузиб талқин қилиш, айниқса, диний ақидапарастликни уларнинг дунёқарашига аноним тарзда чуқур сингдириш ҳолатлари тобора авж олаётганлиги бу муаммони ўрганишнинг қанчалик даражада долзарблигини кўрсатиб турибди. Масалан, ИШИД ўзининг ғаразли мақсадларини амалга оширишда 84% Интернетдан фойдаланганлиги, террористик ва экстремистик руҳдаги мафкуравий-психологик ғоялар акс эттирилган видео ва матнларни

¹¹ Макеева А.Г. Создание психологической безопасности социальной среды организации средствами активного социально-психологического обучения: дисс. ... канд. псих. н. СПб., 2009. – С. 199.

47% ижтимоий тармоқларга жойлаштирганлиги ҳамда худкушлик топшириқларини 19% онлайн тарзда Facebook, Twitter, Youtube орқали берганлиги ҳақида маълумотлар бор¹². Бизга маълумки, Интернетдан хоҳлаган одам исталган ахбороти билан виртуал майдонга тўсиқсиз кириши мумкин. Бунда биринчи галда, назорат йўқлигидан фойдаланиб қоладиган бузғунчи кучлар ўз таъсир доираларини оширишга ҳаракат қилишлари аниқ. Чунки бундай глобал Интернет тармоқларида ахборот тайёрлаш ва тарқатиш арзон, давлат чегараларидан бемалол ўтиб кетаверади. Шу боисдан ҳам бугунги кунда Интернет бузғунчилик, кўпоровчилик ғояларини, порнография ва бошқа иллатларни тарғиб қилувчи “макон”га айланиб қолмоқда. Интернет орқали амалга ошириладиган ахборот хуружларининг олдини олиш эса жуда ҳам мураккаб масалалардан ҳисобланади.

Бугунги кунда МДХ доирасида «ВКонтакте», «Одноклассники», «Мой Мир» каби Интернет тармоқларида ИШИД ғоялари билан бир қаторда турли даражадаги миш-мишлар, носоғлом кайфият туғдирувчи фикрлар, турли ижтимоий гуруҳлар орасида душманона кайфиятлар, яъни миллатчилик, расизм, экстремизм ва фанатизм ғоялари тарқатилаётганлиги ҳам алоҳида қайд этилмоқда. Кўрсатиб ўтилган маълумотлардан маълум бўладики, бугунги кунда бирор-бир давлатни босиб олиш учун ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш шарт эмас. Зеро, бундай виртуал таҳдидлар ҳарбий хатти-ҳаракатларга нисбатан жуда арзон бўлиб, у ядро куролидан ҳам самаралироқ таъсир кўрсатиш имконига эга. Яъни ахборотга эга шахс ҳар қандай жараённи назорат қила олиш ва ундан ўз мақсад ва манфаати йўлида самарали фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Бундай таҳдидлар «таъсири»нинг ортиб бориши турли соҳалар, жараёнлар, мамлакатлар, объектлар, гуруҳлар, шахслар фаолиятини ўз ичига қамраб олаётганлиги билан характерланади. Шу маънода, Ўзбекистон ахборот маконининг ўзаро ҳамкорлик имкониятлари кенгайишидан, ҳақиқий миллий, маърифий, хавфсиз майдон бўлиб қолишидан манфаатдордир¹³.

Хуллас, замонавий виртуал таҳдидлар қуйидаги соҳаларда намоён бўлмоқда: биринчидан, давлат бошқарув идораларининг хавфсизлик тизимига кириш, ишларни тўхтатиш ёки алоқа, таъминот, жамоат транспорти ва ҳарбий объектларни тўлиқ ёпиш орқали катта миқдорда моддий ва иқтисодий зарар етказиш; иккинчидан, жамиятдаги вазиятни беқарорлаштириш ва бетартибликни ёйиш учун аҳолининг кенг қатламларига психологик таъсир ўтказиш; учинчидан, алоҳида ижтимоий гуруҳларга, шунингдек, ахборот соҳасига жалб қилинган одамларга психофизиологик таъсир ўтказиш; тўртинчидан, ҳарбий, миллатлараро ва диний можароларни кўзғатиб, халқаро майдондаги кучлар мувозанатини бузиш учун провокацион нотўғри маълумот

¹² Қаранг: Бураева Л.А. Мировой опыт противодействия экстремизму и терроризму в глобальном информационном пространстве //Л.А. Бураева // Теория и практика общественного развития. – № 18. 2015. – С. 131–134.; Жаворонкова Т.В. Использование сети Интернет террористическими и экстремистскими организациями // Вестник ОГУ. – № 3 (178) – 2015. – С. 30-36.; Как вербуют в ИГИЛ: медиа-империя ДАИШ, профессиональный PR и онлайн-присяги террористов. URL: http://rusvesna.su/recent_opinions/1450279359; Как вербуют в ИГИЛ: медиа-империя ДАИШ, профессиональный PR и онлайн-присяги террористов. URL: http://rusvesna.su/recent_opinions/1450279359.

¹³ Қаранг: Абдуазизова Н. Ахборот майдони ҳимояси. //Ўзбекистон матбуоти, 2010. 1-сон, - Б. 27.

бериш; бешинчидан, ахборот макони орқали радикал ва экстремистик ғояларни тарғиб қилиш, мавжуд террористик ташкилотларга янги аъзоларни жалб қилиш, олтинчидан, маълум бир давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига унинг ҳудудида ўрнатилган портлаш мосламалари тўғрисида нотўғри маълумот бериш, террорчилик актларини тайёрлаш; еттинчидан, террорчилик ҳаракати таҳдиди орқали давлат ҳокимияти тизимига таъсир қилиш, давлатнинг ахборот инфратузилмаси, ижтимоий аҳамиятга эга ва ҳарбий ахборот тизимлари, шифрлаш тизимларининг ишлаш принциплари, ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида тўпланган тажриба ва бошқалар тўғрисидаги махфий маълумотларни ошкор қилиш ёки эълон қилиш таҳдиди ва бошқалар шулар жумласидандир.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Глобал виртуал тармоқда дин ниқобидаги виртуал таҳдидларнинг олдини олиш ва бартараф этишнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатлари”** деб номланган бўлиб, унда жамият барқарорлигини таъминлаш ва диний мазмундаги виртуал таҳдидлардан ҳимоя қилишнинг сиёсий механизмлари, халқаро терроризм ва экстремизмга қарши курашда виртуал коммуникацион технологияларнинг ўрни ва ривожланган давлатларнинг кибертерроризмга қарши кураш тажрибасидан фойдаланишнинг самарали йўллари ёритилган.

Виртуал оламда мавжуд ахборотлар характери ва тартиби жамият сиёсий осойишталик ва барқарорлигининг ўзига хос барометри бўлиб хизмат қилади. Жумладан, виртуал ҳаётда диний фикрлар хилма-хиллиги ҳолати намоён бўлса, беқарорлик кўрсаткичи, диний муносабатлар тизимида муаммоли вазият етилиб келаётганининг ўзига хос аломати сифатида талқин қилинади. Бугунги кунда сиёсий соҳада кучга қараганда ахборот омили тобора сезиларли аҳамият касб этиб бормоқда. Шу боисдан ҳам мамлакатларнинг ташқи сиёсатда эришаётган муваффақияти нафақат ҳарбий қудрат ва иқтисодий салоҳият билан, балки жаҳон миқёсида кечаётган ахборот ва маданий соҳалар устидан назорат ўрнатишга қаратилган оммавий дипломатия вазифаларини таъминлаш устувор аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, бугунги кунда тезкор усуллар ёрдамида у ёки бу воқеа, ҳодиса ҳақидаги хабар бир зумда Ер юзининг барча нуқталарига етказиб берилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ахборот хуружи ғаразли геосиёсий манфаатларни амалга ошириш йўлида турли кучлар томонидан кенг қўлланмоқда. Бундай ҳолат геосиёсий кучларнинг дунёнинг йирик теле ва радиоканалларига, Интернет сайтларига турли сиёсий кучларнинг босим ўтказишга интилаётганини, улардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга уринаётганини кўрсатади. Шундай шароитда, ахборот узатиш жараёни дунё миқёсида демократик қоидалар асосида амалга оширилиши муҳим ҳисобланади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, бугунги кун талаблари демократиянинг ягона моделини инкор этади. Чунки ҳар бир суверен давлат демократик жамият куриш сари интилар экан, аввало, ўз кадриятларига, миллий менталитетига суянади, истиқбол учун режалар шулардан келиб чиқиб тузилади, мақсадлар эса ўша халқ манфаатларини ифода этади. Иккинчи томондан, демократия умумэътироф этилган қонун-қоидаларни

рад этмайди, балки уни мустаҳкамлайди. Шунинг ҳам унутмаслик керакки, бирор жойда пайдо бўлган қонуниятларни иккинчи жойда шундайлигича тўлиқ ҳаётга татбиқ қилиб бўлмайди. Унинг самарали томонларини ўрганиш, камчиликларидан хулоса чиқариб, ўша халқнинг тарихий, маданий қадриятларидан келиб чиққан ҳолда фаолият юритиш зарур.

Ҳозирги даврда жиноятчи шахслар ҳам ўзларининг ижтимоий қилмишларини Интернет жаҳон ахборотининг турли ижтимоий тармоқларидан фойдаланган ҳолда содир этмоқда. Мазкур жиноятлар ичида экстремизм ва сепаратизм ҳамда ақидапараслик ғоялари билан йўғрилган материалларни Интернет жаҳон ахборотининг турли ижтимоий тармоқларидан фойдаланган ҳолда тарқатиш, сақлаш ва намоёниш этиш ҳамда экстремистик оқимларга жалб этиш кабилар хавфлилик даражаси юқорилиги билан ажралиб туради. Яъни турли ижтимоий тармоқларда шаклланган гуруҳларни бошқариб бўлмаслиги улар томонидан содир этилаётган экстремизм билан боғлиқ жиноятлар сони ҳамда жимиятга салбий таъсири ортиб боришига сабаб бўлмоқда. 2005 йилга қадар экстремистик ва террористик ташкилотлар ўзларининг тарғиботларини “варақа” тарқатиш ва “ҳужра”лар ташкил этиш йўли билан амалга оширган бўлса, ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши билан улар ҳам, ўзларининг тарғиботларини “Одноклассники.ру”, “Whatsapp”, “Telegram”, “Facebook” каби тармоқлар орқали олиб боришни бошладилар”¹⁴.

Интернет маконида экстремизмнинг ижтимоий, сиёсий, миллий ва диний турлари мавжуд¹⁵. Интернет маконида ёшлар тобора кириб бораётган экстремизм уч босқичли тизим ҳисобланади: биринчи босқич, ташкилий – экстремистик руҳдаги ташкилот ва ҳаракатларга расмий ва норасмий аъзолик (скинхедлар ҳаракати, футбол фанатлари); иккинчи босқич, ментал – экстремистик сиёсий маданият сифатида намоён бўлади, шунингдек, оммавий коммуникация воситаларининг деструктив хатти-ҳаракатлари билан характерланади (экстремистик ғоялар, қадриятлар, йўналишлар); учинчи босқич – амалий, бунда муайян экстремистик ҳаракат намоён бўлади¹⁶. Тадқиқотчиларнинг фикрича, экстремистик ва террористик ҳаракатларга билиб ёки билмай қўшилиб кетиш, аввало, улар ҳақидаги тушунчага боғлиқ¹⁷. Е.О.Кубякин фикрича, “Ёшлар экстремистик ҳаракатларнинг идеологлари глобаллашиб бораётган жамиятда аксилижтимоий характердаги меъёрлар, хатти-ҳаракат намуналарини, ғояларни сингдиришга ҳаракат қиладилар”¹⁸.

¹⁴ <http://auz.uz/news/diniy-ekstrimizim-va-terrorizim-bilan-boglik-zhinoyatlarini-oldini-olish>

¹⁵ Безбородов М. И. Профилактика религиозного экстремизма как важная составляющая сохранения мира и обеспечения безопасности // Петрозаводский государственный университет. - 2012. – С. 1-7.

¹⁶ Petrov D.V. Prevention of religious extremism: theory and practice // Профилактика религиозного экстремизма: теория и практика: учебно-методическое пособие. 2018. – С. 85.

¹⁷ Духова Р.Л., Попова Л.В. Интернет как средство формирования террористических и антитеррористических ценностей: представления студентов вуза // Научно-методический электронный журнал «Концепт». – 2014. – Т. 20. – С. 3.

¹⁸ Кубякин Е.О. Молодежный экстремизм в условиях информатизации и глобализации социума: постановка проблемы [Электронный ресурс] / Е.О. Кубякин // Историческая и социальнообразовательная мысль. – 2011. – № 3. – С. 65-68.

Интернет экстремистларга ўзининг ғаразли мақсадларини ҳар томонлама кенг тарқатиш ва ўзининг тарафдорларини ва ҳамфикрларини кўпайтириш учун барча ғоявий ва молиявий имкониятларни тақдим қилади. Электоратни ташкил этиш учун – алоҳида шахсларнинг веб-саҳифаларида норози кайфиятни туғдирувчи турли экстремистик мазмундаги манбалар эълон қилинади. Қарама-қарши ҳаракатларни келтириб чиқариш учун – радикал қарашдаги (ёки ўзгача фикрлайдиган)лар қандай хатти-ҳаракатлар қилишлари лозимлиги тўғрисидаги қўлланмалар тарқатилади (қурол, портлаш мосламаларини яшаш, тарафдорларни моддий қўллаб-қувватлаш имкониятлари ва ҳоказо)¹⁹. Шу ва бошқа қуроллар воситасида оламнинг ҳақиқий манзараси мақсадли аудитория учун бузиб кўрсатилади. Бундай қармоққа, одатда, ахборотни танқидий фикрлаш тажрибасига эга бўлмаган ёшлар илинади.

Ал-Азҳар муайян хакерлар ҳужумларини “Жиход” деб фатво берган, бундан ташқари, “исломчилар” 2004 йилдан 26 августни “Электрон жиход куни”, деб эълон қилган. Баъзи бир экспертлар Ал-Қоиданинг йўқлигини ва умуман бўлмаганини таъкидламоқда. Улар фикрича, бундай ташкилот мавжуд бўлганда, турли мамлакатларнинг махсус хизматлари аллақачон унинг тизимига ўз жосусларини киритиб олиб фаолиятини кузатиб борган бўлар эди. Баъзида бу ташкилот фақатгина рақамли воситалар ва ОАВда мавжуд, аслида у АҚШнинг “халоскори” (А.Дугин) деб таъкидланади. Бен Ладен эса виртуал, электрон ва хаёлий феномендир. “Исломиёлар” фикрича, АҚШ махсус хизматларини жалб қилиб радикал Исломга қарши яширин кураш олиб бормоқда. Шу мақсадда Марказий разведка бошқармасида “Ахборот ва маълумотларнинг глобал таъсирини ўрганиш” ва “Кибер таъсирга қарши конференция” тузилмалари яратилгани тахмин қилинади²⁰. Исломшунос А.Р.Мухаметов фикрича, Ғарбнинг мустабид режимларни қўллаб-қувватлаётгани ижтимоий вазиятнинг кескинлашувига сабаб бўлмоқда²¹.

Хуллас, виртуал оламда ўсиб бораётган террор таҳдидининг олдини олиш учун куйидагиларга алоҳида эътибор бериш зарур деб ҳисоблаймиз: биринчидан, виртуал тармоқдаги террористик таҳдидларнинг олдини олиш шакллари ва усулларини такомиллаштириш зарур. Бугунги кунда маҳаллий разведка идоралари реал шароитда бундай таҳдидларга қарши курашда билим ва амалий тажрибаларни фаол равишда ривожлантиришлари зарур. Иккинчидан, нафақат стратегик инфратузилма объектларини (нефт ва газ қувурлари, сув ва иссиқлик таъминоти корхоналари), шунингдек, бошқа давлат аҳамиятига молик объектларни муҳофаза қилишга, балки терроризмнинг намоён бўлиши натижасида юзага келган фавқулодда вазиятларда аҳолини ҳимоя қилиш чораларини кучайтиришга алоҳида эътибор

¹⁹ Седых Н.С. Социально-психологические особенности пропаганды экстремизма и терроризма посредством Интернета [Электронный ресурс] / Н.С. Седых // Социальная психология и общество. – 2013. – № 2. – С. 137-147.

²⁰ Pipes D. Bush Declares War on Radical Islam // New York Sun. 2005. October 11.

²¹ Мухаметов А.Р. Религия Аллаха против религии «11 сентября» [Электронный ресурс]. – URL: <http://www.islam.ru/pressclub/analitika/mereis/>

қаратиш лозим. Табиий офатлар, масалан, зилзилалар ҳолатларида бўлгани каби бундай таҳдидга қарши фуқароларнинг ўзларининг ҳам фаоллиги ва масъулиятини ошириш лозим. Учинчидан, терроризмга қарши кураш кўп жиҳатдан давлатнинг жазо функцияларини кучайтиришга, махсус хизматларни ва бошқа ташкилий чораларни кучайтиришга қаратилмаслиги керак. Аввало, виртуал тармоқдаги террористик таҳдидларнинг тарқалиш сабабларини аниқлаш мақсадга мувофиқ. Чунки бугунги кунда виртуал тармоқдаги террористик таҳдидларнинг тарқалиш сабабларини аниқлаш бўйича давлатлар ўртасида ягона келишув мавжуд эмас. Жамиятда ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг кучайиши бундай бузғунчи ахборотларга бўлган интилишнинг кучайишига олиб келмоқда.

Диссертациянинг учинчи боби **“Дин ниқобидаги виртуал таҳдидларнинг олдини олиш ва бартараф этишдаги Ўзбекистоннинг стратегик имкониятлари”** деб номланган. Унда виртуал таҳдидларга қарши курашда диний кадриятлардан фойдаланишнинг сиёсий аҳамияти, жамият сиёсий ҳаётини диний мазмундаги виртуал таҳдидлардан ҳимоя қилишнинг замонавий усул ва воситалари, давлат ва жамият ҳаётининг сиёсий барқарорлигини таъминлашда виртуал технологиялардан самарали фойдаланишнинг истиқболли йўналишлари атрофича тадқиқ қилинган.

Диний мазмундаги виртуал таҳдидларнинг олдини олиш ва бартараф этишдаги стратегик имкониятларини белгилаб олишда дин ўзига хос ижтимоий-сиёсий институт сифатида намоён бўлади. Зеро, ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол инсон қилиб тарбиялаш, уларнинг онгига халқимизнинг бой миллий маданий мероси ва тарихий ўтмишига ҳурмат ҳиссини синдиришда диннинг роли ниҳоятда катта. Шунингдек, виртуал маконда диний мазмундаги виртуал таҳдидларнинг ошиб бориши бу йўналишдаги муаммоларни сиёсий жиҳатдан ўрганиш ва баҳолаш индикаторларини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Бунинг учун соф диний ғоялар тарғиботини халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштириш орқали кўрсатиладиган хизматларнинг интерактивлигини ошириш, шу жумладан “smart” – технологияларни (ахборот дўкончалари, 3D визуализация ва голограмма, QR-кодлар, чет тилларидаги электрон гидлар ва ҳоказолар) жорий этиш, аҳоли, энг аввало, ёш авлод учун мўлжалланган, Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда диний кадриятлар тарғиботига Инновацион ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва диний манбаларнинг рақамли шаклларини яратиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Ушбу вазифалар Ўзбекистоннинг диний мазмундаги виртуал таҳдидларнинг олдини олиш ва бартараф этишдаги стратегик имкониятларини аниқлашга доир тадқиқотларни кенгайтиришни тақозо этади.

Сиёсий жараёнлар ва институтлар нуқтаи назаридан жамият сиёсий барқарорлигига диний мазмундаги виртуал таҳдидлар таъсирининг олдини олиш борасида турли сиёсий тадқиқот марказлари ишини мувофиқлаштириш, давлатлар ўртасида ўзаро сиёсий ахборотлар алмашиш, ўзаро мустаҳкам алоқага эга бўлиш долзарб аҳамиятга эга. Шу боисдан ҳам ҳозирги мураккаб,

кескин ғоявий курашлар ва турли мафкуралар, тўқнашувлар, «демократия» ёки турли диний таълимотлар шиорлари билан ниқобланган ёвуз ғояларни сингдиришга интилиш кучайиб бораётган бир шароитда дунёвий бошқарув тамойилларига оқилона муносабатда бўлиш, илм-фан, техника ва технологиялар ютуқларидан самарали фойдаланиш муҳим ҳисобланади.

Жаҳон миқёсида виртуал технологияларнинг самарали жорий этилиши эркинлик, демократия, халқ ҳоқимияти ва ўз-ўзини бошқаришни чуқурлаштириш ва кенгайтиришга кенг имконият ва шароит яратиб, аста-секинлик билан ахборотлашган жамиятнинг стратегик йўналишларини белгилаб олишда фундаментал аҳамият касб этмоқда. Ўз навбатида, виртуал тизимдан олинаётган ахборотларга танқидий ёндашиш ва унинг фойдали манбалари асосида ўз дунёқарашини кенгайтириш, ғаразли маълумотларни инкор эта билиш идрокни, мафкуравий иммунитетни ҳосил қилиш ҳам тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу боисдан ҳам ҳар бир ёш маълум бир кўникма ва билимларга, диний ва дунёвий илмлар моҳиятини тушуна олиш қобилиятига эга бўлиши, дунёда кечаётган сиёсий ва иқтисодий жарёнларга бефарқ бўлмаслиги талаб этилмоқда. Бундай муаммоларга дуч келмаслиги учун ҳар бир фуқаро, айниқса, ёшлар ўзининг тақдири, келажаги олдидаги масъулиятни чуқур ҳис қилиши, иккинчидан, Ватани ва халқи олдидаги бурчни унутмаслиги керак.

Виртуал маконда диний кадриятларнинг тарғиботи ортиб бораётган бугунги глобаллашув жараёнида дунё цивилизациясига асос бўлган эзгулик ғояларини кенг оммага тарғиб қилиш долзарб масалага айланган. Виртуал маконда кенг тарғиб қилинаётган диний ғояларнинг ижтимоий-маданий қиммати, уларнинг давлат ва жамият ўртасидаги ўзаро таъсирини таъминлашдаги ўрнига катта эътибор қаратилган. Шу жиҳатдан жаҳон динларини виртуаллаштириш амалиёти уларнинг бирламчи манбалари ҳақидаги маълумотларни кенг жамоатчиликка онлайн тарзда етказиб беришнинг оммабоп ва тезкор шакли, музей маркетингининг янги, илғор усули сифатида жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Шунингдек, диний мазмундаги виртуал экспозицияларнинг дунё стандартларини ўрганиш ва жорий этиш, диннинг ижтимоий-маданий ҳодиса сифатидаги аҳамиятини очиқ бериш, уларни виртуаллаштиришда сиёсатшунослик, тарих, санъатшунослик, педагогика, психология ва техника соҳалари вакиллари ўртасидаги ҳамкорликни таъминлашнинг самарали механизмини яратиш устида иш олиб борилмоқда.

Минг афсуслар бўлсинки, расмий манбаларга нисбатан, экстремистлар батафсил ва тўлиқроқ маълумот беради ва шу билан улар тарафдорларини янада кўпайтиради. Бу ҳолатдан экстремистлар унумли фойдаланиб, ўзлари учун муҳим бўлган географик номларни, диний ёки миллий тушунчаларни калит сўзлар сифатида қўллаб боради, тингловчининг қулоғини уларга ўргатади. Аста-секин маълумотни ўқувчи ёки эшитувчи фаоллашади, ўзига ёққан фикрни маъқуллайди («лайк»ни босади), таниган-билганларига тарқатади. Буни назорат қилиш мушкул бўлиб, фойдаланувчилар қанча кўп

бўлса, “қармоққа илинувчилар” сони шунчалик кўпайиб бориши билан самарали ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, диний мазмундаги виртуал таҳдидлар, асосан, ҳақиқий ахборотни манипуляциялаш орқали амалга оширилмоқда. Бунда «Truth projection» («ҳақиқатни проекциялаш») технологиялардан фойдаланилади. Маълумки, оммавий ахборот воситаларида берилган диний мазмундаги ахборотларни ҳақиқий воқеа-ҳодисалардек, худди ойна каби акс эттиради. Бунда «ойна» ўзининг «қийшиқлигига», «шаффофлигига», «ранглар гаммасига», «чекланган ўлчамларига» ва келиб чиқиши сунъий бўлиб ҳисобланадиган бошқа «нуқсонларга» эга бўлиши ҳам мумкин. Бу жараёнда шахснинг шаъни ва кадр-қимматини камситувчи ёлғон маълумотларни тарқатиш, тухмат қилиш, ҳақорат қилиш, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган материалларни, террорчилик ташкилотларининг рамзий белгиларини тарқатиш кабилар оддий ҳолга айланмоқда.

Хуллас, жамият сиёсий барқарорлигини таъминлашда ҳар бир эътиқодли инсоннинг ибодатга бўлган эҳтиёжини қондириш устувор аҳамият касб этади ва буни давлат тегишли диний ташкилотлар - масжид, мадраса, черков, ҳудудий диний назорат бўлимлари фаолиятини йўлга қўйиш орқали тартибга солади, назорат қилади. Агар ҳар бир мамлакатда диний ғоялар тарғиботи давлат манфаати юзасидан тўғри йўналтирилмас экан, айти улар воситасида жамиятда ёт унсурлар пайдо бўлиши, бузғунчи ғоялар кириб келиши, хатто хаос ёқасигача олиб келиши мумкин бўлади. Чунки дин ўзига хос сиёсий институт ҳисобланади. Бу мамлакат миллий хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ҳам муҳим. Шунинг билан бир қаторда виртуал таҳдидлар авж олаётган ҳозирги шароитда нафақат диний эътиқод, балки шахснинг шаъни ва кадр-қимматини камситувчи ёлғон маълумотларни тарқатиш, тухмат қилиш, ҳақорат қилиш, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган материалларни тарқатиш ҳамда вирус ва бошқа зарарли дастурлар, қонунга зид ахборотлар тайёрлаш ва тарқатиш, электрон хатларни оммавий тарқатиш (спам), хакерлик ҳужуми, веб-сайтларга ноқонуний кириш, фирибгарлик, муаллифлик ҳуқуқини бузиш, кредит карточкалари рақами ва банк реквизитларини ўғирлаш (фишинг ва фарминг) ҳамда бошқа турли ҳуқуқбузарликлар тобора ошиб бормоқда.

ХУЛОСА

1. Ҳозирги даврда ижтимоий тизимнинг ўзига хос феноменал ҳолати сифатида жамият сиёсий барқарорлигини ҳар томонлама таҳлил қилиш долзарб аҳамиятга эга. Бундай илмий изланиш олиб бориш асосида биз нафақат жамият барқарорлиги, балки унинг муайян сиёсий барқарор ва ўзгарувчанлик муносабатларини тавсифлайдиган мураккаб жараёнларнинг асл мазмун-моҳиятини англаш имконига эга бўламиз. Чунки жамиятда мавжуд бўлган сиёсий барқарор ва ўзгарувчанлик муносабатларининг ўзаро

боғлиқлигини уларнинг маълум вақт оралиғида жамиятнинг динамик ҳолатини ифодалайдиган маълум параметрлари белгилайди.

2. Дунё миқёсидаги глобал виртуаллаштириш сиёсатининг жадаллашуви диний мазмундаги виртуал таҳдидларни амалга ошириш усуллари ва уларга қарши кураш олиб бориш заруратини юзага келтирди. XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида шакллана бошлаган виртуал таҳдидларнинг асосий тушунча ва тамойиллари ўзининг аниқ изоҳларини талаб эта бошлади. Шу сабабли сиёсий фанлар доирасида виртуал таҳдидларнинг асл мақсад, манбалари ва жамият сиёсий барқарорлигига кўрсатадиган салбий таъсирларини илмий нуқтаи назардан ўрганиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Бундай тадқиқотни олиб бориш жараёнида қўлга киритиладиган натижалар, илмий хулосалар сиёсий ҳаёт, диний таълим тизимини виртуаллаштириш, унинг ижобий ва салбий жиҳатларини тадқиқ қилишда методологик асос бўлиб хизмат қилади.

3. Виртуал оламда ўсиб бораётган террор таҳдидининг олдини олиш учун қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш зарур деб ҳисоблаймиз: биринчидан, виртуал тармоқдаги террористик таҳдидларнинг олдини олиш шакллари ва усулларини такомиллаштириш зарур. Бугунги кунда биринчидан, маҳаллий разведка идоралари реал шароитда бундай таҳдидларга қарши курашда билим ва амалий тажрибаларни фаол равишда ривожлантиришлари зарур. Иккинчидан, нафақат стратегик инфратузилма объектларини (нефт ва газ қувурлари, сув ва иссиқлик таъминоти корхоналари), шунингдек, бошқа давлат аҳамиятига молик объектларни муҳофаза қилишга, балки терроризмнинг намоён бўлиши натижасида юзага келган фавқулодда вазиятларда аҳолини ҳимоя қилиш чораларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Учинчидан, виртуал тармоқдаги террористик таҳдидларнинг тарқалиш сабабларини аниқлаш мақсадга мувофиқ. Чунки бугунги кунда виртуал тармоқдаги террористик таҳдидларнинг тарқалиш сабабларини аниқлаш бўйича давлатлар ўртасида ягона келишув мавжуд эмас. Жамиятда ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг кучайиши бундай бузғунчи ахборотларга бўлган интилишнинг кучайишига олиб келмоқда.

4. Диний-маърифий қадриятларимизни ўрганиш, асраш ва ҳимоя қилиш асосида ёшларимиз қалби ва онгига эзгу ғояларни сингдириш орқали виртуал таҳдидларга қарши тура олишига эришиш бизнинг асосий мақсадларимиздан ҳисобланади. Экстремизм тарғиботи ва унинг шиори – Халифалик «улкан ёлғон», яъни ўзбек ёшларини овлашнинг бош тузоғидир. Бу тузоқ кўп йиллар давомида ғанимларимизнинг «мафкура бўлимлари» ишлаб чиққан ёлғон ва уйдирмалардан тўқилган. Ўз даврида фашизм ҳам диний ниқобга ўраниб, катта ёлғоннинг кўп қайтарилишига суянган эди. «Халифалик» деб аталган «катта ёлғон» ҳам айнан шунга мўлжалланган. Шундай экан, айрим ёшларимизнинг виртуал тармоқлари орқали берилаётган ҳар хил ёт ғояларни холис ахборот манбаи сифатида қабул қилаётганларини ҳам назардан қочирмаслик керак. Ёт мафкураларни кўр-кўрона қабул қилишнинг қулай замини – бу маиший қулайликка ортиқча интилиш, ташқи гўзалликка ҳаддан ташқари берилиш, буюмпарастлик, боқимандалик ва миллий турмуш тарзида

одатий ҳол бўлиб қолган афзалликлар ва неъматлардан онгсиз равишда фойдаланиш, уларни маънавий қадрият сифатида тўла англай билмасликдир.

Юқоридаги илмий-назарий хулосалардан қуйидагича амалий таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Аҳолини, айниқса, ёшларни ижтимоий тармоқлардаги турли хил қармоқлардан ҳимоя қилиш тизимини яратиш. Ҳар бир фуқаронинг ахборот олиш ҳуқуқини чекламаган ҳолда давлат хавфсизлигига қарши бўлган сайтлар, телеграм ботлар ва саҳифалардан огоҳлантирувчи Интернет дастурини ишлаб чиқиш;

2. Ёшларда Интернетдан маълумот олиш маданиятини шакллантириш, улардаги диний эътиқод билан боғлиқ эҳтиёжни тўғри қондириш мақсадида Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази базасида махсус бўлим ташкил этиш;

3. Жамият сиёсий барқарорлигига раҳна солувчи диний мазмундаги виртуал таҳдидларга нисбатан кенг жамоатчилик, зиёлилар ва айниқса, республикамиздаги сиёсатшунос олимларнинг яқдил позициясини намоён этиш. Барча турдаги оммавий ахборот воситалари орқали доимий равишда ахборот хуружларидан огоҳ этувчи маълумотлар ва таҳлилий мақолаларни ёритиш механизминини яратиш;

4. Ижтимоий тармоқлар орқали жамиятдаги сиёсий барқарорликка раҳна солишга ва аҳоли орасида конституцион тузумга қарши ғояларни тарғиб этишга ҳамда диний адоватни қўзғатишга ҳаракат қилаётган гуруҳларнинг фаолиятига ҳуқуқий баҳо бериш. Бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Жиноят кодексига ижтимоий тармоқлар билан боғлиқ моддаларни киритиш муҳим аҳамиятга эга.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

АБУЛХАСАН НУРИЙМАН АБДУРАХИМ

**ВЛИЯНИЕ ВИРТУАЛЬНЫХ УГРОЗ РЕЛИГИОЗНОГО ХАРАКТЕРА
НА ПОЛИТИЧЕСКУЮ СТАБИЛЬНОСТЬ ОБЩЕСТВА**

23.00.02 – Политические институты, процессы и технологии

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ПОЛИТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по политическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2019.2.PhD/Ss136.

Диссертация защищена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации доступен на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на сайте Учёного совета (www.nuu.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Мухаммадсидиков Мухаммадолим Мухамматрозик угли доктор политических наук
Официальные оппоненты:	Равшанов Фазлиддин Равшанович доктор политических наук, профессор Ахмедов Хусниддин Аликулович доктор политических наук, (DSc)
Ведущая организация:	Ташкентский университет информационных технологий имени Мухаммада ал-Хоразмий

Защита диссертации состоится на заседании Учёного совета Национального университета Узбекистана DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08, 2020, _____, 2020. (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Университетская, 4, факультет социальных наук, Национальный университет Узбекистана, 5-й этаж, к. 511. Тел.: (99871) 246-52-74; факс: (99871) 246-02-24), электронная почта: nauka@nuu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирован под номером _____). Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Университетская, 4. Тел. : (99871) 227-12-24, факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-04 Административный корпус Национального Университета Узбекистана, 2-й этаж, конференц-зал.

Автореферат диссертации распространён на 2020 «__» _____.
(Протокол регистрации ___ в «__» _____ 2020).

Ш.И. Пахрутдинов
Председатель Научного совета по присуждению
учёной степени доктора наук,
доктор политических наук, профессор

О.Р. Мусаев
Учёный секретарь Научного совета
по присуждению учёной степени
доктора наук, доктор философ. наук (DSc)

Б.Т. Туйчиев
Председатель научного семинара
При научном совете по присуждению
учёной степени, доктор философ. наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. Сегодня, в период быстрой интеграции и глобализации в социальной, экономической и духовной сферах мира, рост числа виртуальных угроз религиозного характера является одной из насущных проблем, вызывающих озабоченность всех регионов и стран. Особенно в виртуальном мире призывы различных экстремистских течений под прикрытием религии, которые привлекают молодых людей, ещё не полностью сформировавших своё мировоззрение, а также тех, кто не имеет твёрдого мнения и позиции, подрывают социально-политическую стабильность во многих странах. В результате растёт количество конфликтов национального, этнического, религиозного, территориального, политического и военного значения, угрожающих суверенитету государств.

Научные центры по всему миру уделяют особое внимание научному и практическому изучению проблем ограничения информации, негативно влияющей на сознание человека, путём разработки диагностических и профилактических систем самозащиты молодёжи от информационных атак религиозного содержания. Кроме того, во время быстрой интеграции и глобализации в социальной, экономической и духовной сферах в мире становится всё более важным уделять особое внимание развитию исследований для изучения политического содержания виртуальных угроз в религиозном контексте.

В Стратегии действий также указано, что новые проявления общественно-политических угроз в нашей стране проявляются в основном в форме виртуальной информации, «...повышения информационной безопасности и защиты информации, своевременного и адекватного реагирования на угрозы в области информации»¹. Тот факт, что международные террористические и экстремистские организации пытаются оказывать своё влияние через виртуальный мир, также является серьёзной проблемой. В частности, рост количества обращений в Интернете к деструктивным идеям, привлекающим в виртуальный мир молодых людей, ещё не полностью сформировавших своё мировоззрение, а также тех, кто не имеет твёрдого мнения, свидетельствует о необходимости изучения данной проблемы.

Данная диссертация в определённой степени служит для реализации задач, поставленных в соответствующих нормативных актах. Законы Республики Узбекистан от 14 сентября 2016 года «О государственной молодёжной политике», 8 сентября 2017 года «О защите детей и информации, наносящей вред их здоровью» и Указы Президента Республики Узбекистан от 07 февраля 2017 года УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 29 ноября 2017 года УП-5264 «О

¹ Указ Президента Республики Узбекистан. О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан. / Официальное издание / Министерство юстиции Республики Узбекистан. - Ташкент: Адолат, 2017. – С. 27.

создании Министерства инновационного развития Республики Узбекистан», от 16 апреля 2018 года УП-5416 «О мерах по коренному совершенствованию деятельности религиозно-просветительской сферы», от 22 февраля 2019 года УП-5667 «О мерах по поддержке проведения социологического исследования» и Постановление Президента Республики Узбекистан от 8 апреля 2019 года ПП-5465 «О мерах по разработке концепции развития национальной идеи на новом этапе развития Узбекистана».

Зависимость исследований от приоритетов развития науки и технологий республики. Исследование диссертации выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Научно-методической основой исследования послужили взгляды в трудах² Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на устранение духовной нищеты, религиозного фанатизма, терроризма и другие³.

Некоторые аспекты политического содержания, стратегических целей и задач виртуальных угроз в религиозном контексте, проявляющегося в современном обществе, изучались следующими западными учёными такие как К.Дойч, Д.Истон, Г.Алмонд, Дж.Коулман, Л.Пай, У.Шрамм, Т.Адорно, Г.Маркузе, Ю.Хабермас, М.Хоркхаймер, Г.Шиллер, М.Кастелс, М.Маклюэн, Э.Масуда, Э.Тоффлер, А.Урсул, Н. Моисеев⁴. Поэтому влияние виртуальных

² Мирзиёев Ш.М. Вместе мы построим свободное и процветающее демократическое государство Узбекистан. – Ташкент: Узбекистан, 2016. – С. 56.; Мирзиёев Ш.М. Верховенство закона и защита человеческих интересов - залог развития страны и благополучия людей. – Ташкент: Узбекистан, 2017. – С. 48.; Мирзиёев Ш.М. Критический анализ, строгая дисциплина и личная ответственность должны быть повседневным правилом деятельности каждого руководителя. – Ташкент: Узбекистан, 2017. – С. 104.; Мирзиёев Ш.М. Вместе с отважным и благородным народом мы построим наше великое будущее. – Ташкент: Узбекистан, 2017. – С. 488.

³ Мирзиёев Ш.М. Вместе мы построим свободное и процветающее демократическое государство Узбекистан. – Ташкент: Узбекистан, 2016. – С. 56.; Мирзиёев Ш.М. Верховенство закона и защита человеческих интересов – залог развития страны и благополучия людей. – Ташкент: Узбекистан, 2017. – С. 48.; Мирзиёев Ш.М. Критический анализ, строгая дисциплина и личная ответственность должны быть повседневным правилом деятельности каждого руководителя. – Ташкент: Узбекистан, 2017. – С. 104.; Мирзиёев Ш.М. Вместе с нашим смелым и благородным народом мы построим наше великое будущее. - Ташкент: Узбекистан, 2017. – С. 488.; Мирзиёев Ш.М. Мы решительно продолжим наш путь национального развития и поднимем его на новый уровень. – Ташкент: Узбекистан, 2017. – С. 591.

⁴ Deulsch K. The Nervous Systems of Government: Models of Political Communication and control.- London: Free Press of Glencoe, 1963.; Easlon D. A Framework for Political Analysis. Chicago: The University of Chicago Press, 1979. Almond G.A., Coieman J.S.. Politics of the Developing Areas. Princeton: Princeton University Press, 1960.; Pye L. Political Communication // The Blackwell Encyclopaedia of Political Institutions. Oxford - New York, 1987.; " Schramm V. Mass Media and National Development: The Role of Information in the Developing Countries. Stanford: Stanford University Press, 1964.; Adomo T., Horkheimer M. Dialectic of Enlightenment. N.Y.: Continuum, 1988; Маркузе Г. Одномерный человек: Исследование идеологии развитого индустриального общества. М.: REFL book, 1994. Habermas J. The Structure Transformation of the Public Sphere. Cambridge: Polity Press, 1989.; Adomo T., Horkheimer M. Dialectic of Enlightenment. N.Y.: Continuum, 1988.; Шиллер Г. Манипуляторы сознанием: Пер. с англ. Засурского Я. - М. : Мысль, 1980.; Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество: Опыт социального прогнозирования. М.: Academia, 1999.; "Manue/Coife/The rise of the network society. London, 2010; / М. Информационная эпоха: экономика, общество и культура / Пер. с англ. под науч. ред. Шкаратана О.И. — М. : ГУ ВШЭ, 2000; Маклюэн М. Понимание медиа: внешние расширения человека. М.: КАНОН-Пресс-Ц. 2003 Masuda Y. The Information Society as Post-Industrial Society. Wash., 1981; Тоффлер Э. Третья

угроз на развитие общества – тема относительно новая. Известные западные учёные, такие как Э.Гидденс, Э.Тоффлер, С.Хантингтон, Ф.Фукуяма, З.Бжезинский, Д.Холмс, П.Химанен и М.Кастелс широко освещали в своих исследованиях о появлении информированного общества и масштаб идеологических угроз в связи с развитием виртуальных технологий⁵.

Первые парадигматические взгляды на влияние виртуальных угроз на общественно-политическую жизнь были развиты в Канаде Майклом Венштейном, Артуром Крокером, в Германии - Ахимом Бюлем, Майклом Паэтау, в России – Д.В.Ивановым⁶. Об особенностях виртуальных угроз в религиозном контексте в современный период проводились крупномасштабные исследования следующими учёными как Г.Л.Акопов, М.С.Вершинин, Ю.В.Ирхин, Е.Ю.Кононова, М.М.Лукина, Т.В.Меркулова, Ю.А.Нисневич, М.Ю.Павлютенкова, А.А.Горелов, Т.А.Горелова, И.М.Ильинский, А.В.Костина, В.А.Луков, В.М.Межуев, А.Я.Флиер, Г.П.Хориной⁷. Примечательно, что это исследование углубленно изучило

волна. М., 2002; Урсул А. Информатизация общества. Введение в социальную информатику. М., 1990; Моисеев Н.Н. Расставание с простотой. М., 1998.

